

Ғалладан бўшаган ер майдонларида такрорий экин экилади...

Беруний туманида бўлиб ўтган дала семинари айнан ғалладан бўшаган ерларга такрорий ҳосил экишни тизимли ташкил қилиш айниқса ердан фойдаланишда тумандаги ишсиз аҳоли ва ёшлар, шунингдек, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» руйхатидаги фуқароларга бериш ва ундан унумли фойдаланиш бўйича бўлиб ўтди.

Image not found or type unknown



Бугун Беруний туманидаги 2 сектор ҳудудидаги Навоий ОФЙ “Тўли Балтабаевич” фермер хўжалигида ўтказилган кўрғазмали семинар айнан шу мавзуда бўлиб ўтди.

Семинарга Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ф. Алламбергенов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Ходжаметов, Беруний тумани ҳоқими А.Сапарбаев, сектор раҳбарлари, туман ҳоқими ўринбосарлари, тижорат банклари, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва масъул ташкилот ва корхона мутассаддилари шунингдек ер олувчи аҳоли иштирок қилдилар.

Семинар давомида Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ф. Алламбергенов ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Ходжаметовлар сўзга чиқиб тез фурсатларда ғалладан бўшаган ер майдонларини ишсиз аҳолига бўлиб бериш тартиблари хусусида тушунтиришлар бериб ўтдилар.

Image not found or type unknown



Туманда ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинларни экиш учун ер тайёрлаш, талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини етказиш, агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш каби тадбирларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, ҳар бир хонадоннинг оилавий аҳволи ўрганилди. Улар тўғрисида маълумотлар базаси шакллантирилди.

Image not found or type unknown



Ана шу ишсиз фуқаролардан такрорий экин экиш истагини билдирган аҳолига ҳозирда фермерлар ғалладан бўшаган 3 минг 300 гектар ер майдонларини тақсимлаш билан бирга, уни ҳайдаш ва белгиланган такрорий экин экиш ишлари учун бевосита амалий ёрдам бермоқда.

Тумандаги 4 та сектордан 11550 нафар фуқароларга бериш бўйича барча ишлар амалга оширилган. Тумандаги 40 та овул ва маҳалла фуқаролар йиғинидан рўйхатлар шакллантирилиб, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экиш учун ажратиб бериш ишлари бошлаб юборилди

Шунингдек семинар давомида томорқа хизматлари кўрғазмаси ташкил қилинди.

Семинар якунида бажарилиши лозим масалалар бўйича тегишли раҳбарларга топшириқлар берилди.

Беруний тумани ҳокимлиги ахборот хизмати